

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИ.

**Amanov Abdusalim Abdusalomovich,
Kholmatov Mukhsin Moydinovich
QDU tarix kafedrası o‘qituvchilari**

E-mail:

amanovabdusalim1980@gmail.com

xolmatovm1966@gmail.com

Annotation

This article deals with the reappearance of serious social problems in the last years of the former Soviet Union in Fergana region their reasons and the solution of these problems during the years of independence under the guidance of I.A.Karimov.

Key words and phrases: Social problem, financial crisis, "Uzbeks' affair", conflict of inter nations, unemployment, social providence, new job vacancies, market economy.

“Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси (2017-2021)” негизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги олий кадрият эканлиги эълон қилиниши, шу мақсад сари давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан ижтимоий соҳада ислохотларнинг янги босқичини амалга оширилиши мамлакатимизнинг демократик давлат, иқтисодий ислохотларимизнинг эса ижтимоий йўналтирилганлигининг исботидир. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий ҳимоя тизимисиз мамлакат тараққиётини тасаввур этиш жуда қийин. Зеро юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларимизнинг қонунчилик асосларини замон талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришларни киритиш жараёни янада тараққий этмоқда ва фуқоролик жамиятини барпо этишнинг

узвий омили бўлиб қолган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг эволюцияси ўзининг истиқболли натижалари билан тараққий этмоқда.

Лекин, совет даври шароитида ижтимоий ҳимоя тизими ташкил этилган, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, улар асосан собиқ марказнинг манфаатлари учун хизмат қилар ва уларнинг рухсати билан амалга оширилар эди.

Советлар ҳукмронлиги йилларида сохта коммунистик мафкурага, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги нотўғри, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 80-йиллар охирига келиб Ўзбекистон аҳолисининг яшаш шароитларини оғирлаштириб, кўплаб муаммолар исканжасига солган. Аҳоли турмуш шароитининг ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайиб кетиши, Республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши ва ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида номутаносибликлар вужудга келган.

Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришишига қадар аҳолини ижтимоий муаммоларини бартараф этишга тўсиқ бўлувчи бир қатор омиллар мавжуд эди. Хусусан Ўзбекистон ССРни собиқ марказ томонидан ҳар томонлама таъзиқ остига олиниши, “Қайта қуриш” сиёсатининг барбод бўлиши оқибатида юзага келган оғир иқтисодий танглик эди.

Бу даврга келганда айниқса, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси муҳим ва ўткир тус олди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг иш кучига хаддан ташқари тўйинганлиги, меҳнатга лаёқатли бўлсада, ишламайдиган аҳолининг миқдори ўсишда давом этаётганлиги, иш кучи талаб ва таклифининг миқдорий ва сифат жихатдан номутаносиблиги, узоқ йиллар давомида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда миллий-этник ва ижтимоий омилларнинг ҳисобга олинмаганлиги кишиларнинг турмуш

даражасига жиддий зарар етказиб, жамиятда ижтимоий кескинликнинг манбаи бўлиб хизмат қилмоқда эди. Иш жойларини яратиш марказий ва маҳаллий маҳкамаларнинг монополиясига айланган эди. Маҳаллий ташкилотлар эса иш жойи яратиш учун на моддий, на ҳуқуқий имкониятга эга эмасдилар. Маҳкамани маҳаллий аҳолининг ташвишлари қизиқтирмас, уларга тайёргина мутахасис керак эди.

Бу омиллар катта шаҳарларда ҳар бир квадрат метр майдонга тўғри келадиган аҳоли сонининг купайиб, одамлар нихоятда зич яшаётганлиги билан боғлиқ муаммони келтириб чиқардики, бу муаммо ишсизлик каби ижтимоий иллатнинг ҳам келиб чиқишига тааллуқлидир. Бундай ахвол, айниқса, Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларга кўпроқ тааллуқлидир. 1985 йилнинг 1 январида Андижон вилоятида 1 кв. км майдонга 370 киши, Фарғонада 273,7 Наманганда эса 164,9 киши тўғри келар эди[1: 105-б]. Бу кўрсаткичлар кейинги йилларда янада кўпайди. Лекин шусиз ҳам тушунарлики, аҳолининг ҳаддан ташқари тифизлиги, унинг табиий ва бошқа минтақалардан ишчи кучларини келтириш ҳисобига ўсиш суръатларининг юқорилиги аҳоли шундай ҳам тифиз жойлашган шаҳарларда беистисно барча ижтимоий муаммоларни яна ҳам кўпроқ мураккаблаштириб юборди.

Ўзбекистонда 1989-йилнинг 2-ярмидан мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида илк ижобий ўзгаришлар бошланди. Хусусан аҳолини ижтимоий муаммоларини ҳал этиш масаласи долзарблиги Фарғона вилоятида яққол номоён бўлди. Ушбу ҳудудда юзага келган оғир ижтимоий муаммолар миллатлараро муносабатларнинг салбий бузулишида акс этди. Юзага келган оғир ижтимоий- иқтисодий ҳолатни бартараф этиш чоралари ва ижобий натижалари бевосита И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг 1-раҳбарлиги лавозимида келиши билан боғлиқдир.

И. А. Каримовнинг 1989-йил 24- июнида Ўзбекистон ССР Минстрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида

сўзлаган „Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” номли нутқида Фарғона водийсидаги мавжуд ҳолатга изоҳ берилади:„...ҳозирги кунда кўпгина одамлар Фарғона воқеаларининг сабабларини турлича изоҳлашмоқда ...Лекин шу нарса аёнки барча воқеаларнинг илдизи Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий – иқтисодий аҳволи билан боғлиқ,..”[4: 33-6]

Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва энг аввало унинг иқтисодий асосларини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилди. „Бугун биз масалани кенгроқ қўйишимиз, одамларни қандай боқиш, Фарғона водийсида яшаётган аҳолини моддий фаровонлигини қандай қилиб яхшилаш ҳақида сўз юритишимиз зарур” [4: 34-35-6].

Ўзбекистон ҳукумати собиқ совет ҳокимияти сиёсий ва иқтисодий таъсирида бўлишига қарамасдан ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида тарихий одимларни бошлади. Жумладан энг аввало халқнинг иқтисодий ҳаётини пойдевори булган аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш масаласида давлат сиёсатининг шаклланиши бошланди. Умуман олганда Ўзбекистонда 1990 йилда жами мавжуд меҳнат ресурслари 10 млн. кишини ташкил этган. Шундан 5152, 2 минг киши давлат секторларида, 1,5 млн. киши кооператив секторидаги корхона ва ташкилотларда, 1,1 млн. киши индивидуал секторда иш билан банд бўлган. Бир миллиондан кўпроқ киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, тахминан 0,8 млн киши уй хўжалиги ишлари ва болалар тарбияси билан банд бўлган.[3: 51-6]

Янги иш ўринларини яратиш масаласидаги амалий тадбирлар Фарғона водийси вилоятларида ҳам ўз ижобий натижаларини кўрсатди. Хусусан Фарғона вилоятида 1989-йилнинг октябрига қадар 61 минг доимий ёки турғун ишсиз ҳисобга олинган бўлса, уларнинг 37 мингги ишга жойланди ўқув юртларига юборилди.[6: 4-6] Шунингдек 1990-йил 25-январда област партия қўмитаси бюросида қабул қилган “Фарғона вилоятида меҳнатга

яроқли аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш ишлари ҳақида” қарор ижросига тўхталсак, 1990-йилда вилоят шаҳар ва туманларида “Бандлик” хизмати, меҳнат бошқармаси қишлоқ ва посилка кенгашларида социал масалалар бўйича хизмат идоралари ташкил этилди. Улар йўли билан ишда банд бўлмаганлар ҳисобига 50 мингдан ортиқ киши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилди. Касаба уюшмалари ва комсомол ташкилотлари ҳам област партия қўмитаси буюроси қарорини амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқишди. Шу асосда ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришга тортиш комиссияси билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларини тамомлаган 16 мингдан кўпроқ ёшлар ишлаб чиқаришга жойлаштирилди. Улардан 9 мингдан кўпроғи олий билимгоҳлар, техникумлар, ҳунар–техника билим юртлиари ва турли курсларда ўқишни давом эттирди.[4: 3-б] Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида Андижон вилоятида ҳам ижобий силжизлар кузатилди. Жумладан, Жалалқудуқ туманида 1989 йилда 600 киши ишга жойлаштирилди. Бунда кооператив ҳаракати ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятига кенг йўл очилиши ҳам катта аҳамият касб этди [7: 3-б]

Фарғона водийси каби аҳоли зич жойлашган ва тез ўсиб боровчи худуд учун уй-жой муаммосининг ижтимоий аҳамияти ва кескинлиги бу муаммога жиддий муносабатда бўлишни тақозо этарди. Лекин совет тузуми йилларида, хусусан 80-йилларда ҳам уй-жой билан аҳолини тўла (ижобий) таъминлаш тўғрисида турли хил тадбирлар ўтказилган, тавсиялар белгиланган ва кўплаб қарорлар қабул қилинган бўлсада, аммо бу муаммо Фарғона водийсида энг кескин ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолаверди.

Фарғона водийси аҳолисини уй-жой билан таъминлаш республика ва иттифоқ ўртача даражасидан ҳам орқада қолаётган эди. Масалан, Фарғона вилояти аҳолисининг турар-жой билан таъминланиши иттифоқ бўйича ўртача даражанинг тўртдан биридан ҳам оз эди. 1989 йилнинг бошларида шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан 28 минг оила ўз уй-жой шароитини яхшилаш

учун навбатда турар, 526 киши эса авария ҳолатидаги турар-жой шароитида яшамоқда эди[5: 1-6].

Мавжуд сиёсий беқарорлик, бошбошдоқлик ва бедодлик шароитида нақадар оғир ва қалтис бўлишига қарамасдан ўлкамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашилини, бутунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш зарурлигини чуқур англаган республикамиз раҳбари аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани – аҳолига томорқа ер бериш масаласини тартибига қўяди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990- йилларда бир ярим млндан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди [4: 12-6].

Совет ҳокимиятининг сўнги йилларида Фарғона водийсида ижтимоий соҳанинг медицина тармоғи ҳам йил сайин ўсиб борган талабларга етарли жавоб бера олмасди. Чунки сўнгги беш йилликлар давомида ижтимоий соҳанинг ушбу тармоғи эътибордан четда қолган эди. Жумладан, Андижон вилоятида 80 йилларнинг охирларида маданият объектлари, касалхоналар ва поликлиникалар бир вақтлар ёрдамчи бинолар, қисман мослаштирилган биноларда жойлаштирилган эди. Даволаш профилактика муассасалари биноларининг 90 фоизи санитария нормалари ва талабларига мутлоқо жавоб бермас, 79 фоизи канализацияга, 80 фоизи иссиқ сув таъминотига эга эмас эди, 12 фоизини эса умуман бузиб ташлаш лозим эди. Касалхоналардаги ўринлар тақчиллиги эса 2896 тани ташкил этарди.[2: 1-6] Бундай ҳолат айниқса қишлоқларда ачинарли ҳолатда эди. Хусусан, 80 йилларнинг охирларида Фарғона вилояти қишлоқларида медицина хизмати ёмон ташкил этилган бўлиб, бундай муассасалар билан таъминланганлик даражаси нормадан паст, яъни 50 фоизни ташкил этарди. Ушбу вилоятда ҳам кўпгина даволаш муассасалари мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган эди.

Буларнинг натижаси ўлароқ Фарғона водийсида, айниқса қишлоқларда турли хил юқумли касалликлар ва болалар ўлими юқорилигича қолмоқда эди.

Шу билан бирга ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида, хусусан, маданий, маиший, савдо соҳаларида хизмат кўрсатиш хизматларида ҳам қоқликка йўл қўйилган эди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ ҳам тобора кучайиб борди. Фарғона водийси вилоятларида қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисидан сезиларли равишда кўп билишига қарамасдан, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ортда қолмоқда эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўша давр(1989-1991йиллар)нинг мураккаб сиёсий вазияти, оғир ижтимоий иқтисодий аҳволига қарамасдан республикамиз Биринчи Президенти етакчилигида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида энг аввало аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнига жиддий эътибор берилганлиги ҳозирги кун сиёсий барқарорлик, ижтимоий – иқтисодий тараққиёт натижаларига пойдевор вазифасини ўтади.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70—80-йиллар мисолида) - Т.: Шарқ, 1999. –105 б.
2. Халилов Ж. Андижон вилоятида социал муаммоларнинг ҳал қилиниши// Коммунист газетаси, №57 (16218), 1990, 22 март, -1 б.
3. Ёрматов Ф.Ж. “Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида)”, диссертация, Тошкент -2010, -51 б.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”- Т.:Ўзбекистон, 2012. –10-35 б.
5. Коммуна газетаси. № 82 (18. 705, 1989 й 28 апрел, 1-бет
6. Коммуна газетаси. №20(19.143), 1991 й 29 январ, 3-бет
7. Коммунист газетаси. №31. (161 92) 1990 йил. 13 февраль. 3-бет
8. Ф.Рўзиев. Мустақилликнинг иқтисодий асослари.- Т.: Ўзбекистон, 1991. – 11 б.

9. Elyor Abdullajonovich Rahmonov and Mukhsin Moydinovich Kholmatov. "THE PROCESS OF PROVIDING THE POPULATION WITH HOUSING IN THE SYSTEM OF SOCIAL PROTECTION IN UZBEKISTAN.(In the case of the Fergana Valley, 2016-2020)." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.10 (2022): 346-350.
10. Rahmonov E.A., Kholmatov M. M. THE SIGNIFICANCE OF YOUTH SUPPORT IN THE PROCESS OF SOCIAL PROTECTION OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022. – T. 11. – №. 10. – C. 337-342.

MARKAZIY OSIYO QO‘LYOZMA MANBALARI ASOSIDA IJTIMOIIY-SIYOSIY JARAYONLARNI RETROSPEKTIV TAHLIL QILISH METODIKASI

Ergasheva Maftunaxon Avazbekovna

Andijon davlat pedagogika instituti,

Tarix kafedrası dotsenti,

Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya.

Ushbu maqolada Markaziy Osiyo sivilizatsiyasi tarixiga oid qo‘lyozma manbalarni tadqiq etishda retrospektiv tahlil metodining o‘rni va ahamiyati yoritiladi. Tadqiqotda qo‘lyozma matnlari orqali o‘tmishdagi ijtimoiy-siyosiy voqelikni qayta tiklashning metodologik bosqichlari, manba tanqidi va interpretatsiya masalalari tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Markaziy Osiyo, qo‘lyozma, retrospektiv tahlil, metodika, ijtimoiy-siyosiy jarayonlar, tekstologiya, garmenevtika.

Annotation.

This article elucidates the role and significance of the retrospective analysis method in the study of manuscript sources related to the history of Central Asian civilization. The research analyzes the methodological stages of reconstructing